

The Role of Comorbidities in the Development of Bronchopulmonary Diseases in Military Personnel

Jakbarova Moxida Abduqaxxor qizi

EMU University 1-son Terapevtik yo'nalishidagi fanlar kafedrasida katta o'qituvchisi tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Shonazarov A. A.

EMU University 1-son Terapevtik yo'nalishidagi fanlar kafedrasida katta o'qituvchisi tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Suyunov O.O.

EMU University talabasi

Annotation: This study investigates the role of comorbidities in the course of bronchopulmonary diseases among military personnel. Comorbid conditions were identified in 59.3% of patients. The most common were gastrointestinal diseases (37.7%), cardiovascular diseases (10.6%), kidney diseases (7.7%), and diabetes mellitus (3.3%). Cardiovascular diseases (OR=19.6; $p<0.001$) and diabetes mellitus (OR=8.99; $p<0.040$) showed a statistically significant impact on disease progression.

Keywords: bronchopulmonary diseases, comorbidity, military personnel, pneumonia, COPD, diabetes mellitus, cardiovascular diseases.

Ҳарбий Хизматчиларда Бронхопулмонал Касалликларнинг Кечишида Ҳамроҳ Касалликларнинг Ўрни

Jakbarova Moxida Abduqaxxor qizi

EMU University 1-son Terapevtik yo'nalishidagi fanlar kafedrasida katta o'qituvchisi tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Shonazarov A. A.

EMU University 1-son Terapevtik yo'nalishidagi fanlar kafedrasida katta o'qituvchisi tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Suyunov O.O.

EMU University talabasi

Аннотация: Ушбу мақолада ҳарбий хизматчилар орасида кенг тарқалган бронхопулмонал касалликлар кечишига ҳамроҳ касалликларнинг таъсири ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, беморларнинг 59,3% да турли ҳамроҳ касалликлар аниқланган. Энг кўп учраганлари ошқозон-ичак тизими касалликлари (37,7%), юрак-қон томир касалликлари (10,6%), буйрак касалликлари (7,7%) ва қандли диабет (3,3%) бўлди. Юрак-қон томир касалликлари (OR=19,6; $p<0,001$) ва қандли диабет (OR=8,99; $p<0,040$) бронхопулмонал касалликлар кечишига статистик аҳамиятли таъсир кўрсатиши аниқланди.

Калит сўзлар: бронхопулмонал касалликлар, ҳамроҳ касалликлар, ҳарбий хизматчилар, пневмония, СНЎК, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари.

Бронхопулмонал касалликлар дунё миқёсида аҳоли ўртасида юқори тарқалганлиги ва меҳнат қобилиятини пасайтириши билан долзарб ҳисобланади. Айниқса, ҳарбий хизматчиларда ташқи муҳит омиллари, стресс, жисмоний юклама ва касбий хавфлар ушбу касалликларнинг ривожланишига олиб келади.

Сўнги йилларда бронхопулмонал касалликлар кечишига ҳамроҳ касалликларнинг таъсирига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки коморбид ҳолатлар касалликнинг оғир кечиши, асоратлар ва ўлим кўрсаткичларининг ошишига сабаб бўлади.

Тадқиқот мақсади: Ҳарбий хизматчиларда бронхопулмонал касалликлар кечишида ҳамроҳ касалликларнинг аҳамиятини баҳолаш.

Материал ва усуллар: Тадқиқотда 273 нафар ҳарбий хизматчи иштирок этди. Улар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: Назорат гуруҳи (n=92), Шифохонадан ташқари пневмония (n=92), Сурункали носпецифик ўпка касалликлари (СНЎК) (n=89).

Статистик таҳлил Pearson χ^2 критерийси ва Odds Ratio (OR) орқали амалга оширилди. Ишонч интервали (95% CI) ҳисобланди.

Тадқиқот натижаларига кўра: 59,3% беморларда ҳамроҳ касалликлар аниқланди, 40,7% ҳолатда ҳамроҳ касалликлар кузатилмади. Энг кўп учраган ҳамроҳ касалликлар: Ошқозон-ичак касалликлари – 37,7%, Юрак қон томир касалликлари – 10,6%, Буйрак касалликлари – 7,7% ва Қандли диабет – 3,3%. Сурункали носпецифик ўпка касалликлари билан оғриган беморларда: Юрак қон томир касалликлари – 30,3%, ошқозон ичак касалликлари – 52,8%, Пневмонияда: ошқозон ичак касалликлари – 40,2%. Юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет бронхопулмонал касалликлар кечишига ишончли таъсир кўрсатди.

Статистик таҳлил (OR)

Ўзгарувчанлар	OR ¹	95% CI ²	p-value ³
ЮҚК-юрак қон томир касалликлари			
Ўйқ	Ref.	Ref.	
Бор	19,6	5,60, 124	<0,001
ОИК-ошқозон ичак касалликлари			
Ўйқ	Ref.	Ref.	
Бор	1,66	0,93, 3,01	0,090
БК-буйрак касалликлари			
Ўйқ	Ref.	Ref.	
Бор	0,57	0,20, 1,49	0,260
ҚД-қандли диабет			
Ўйқ	Ref.	Ref.	
Бор	8,99	1,60, 169	0,040
¹ OR (Odd's ratio) имкониятлар нисбати			
² 95% CI (Confidence interval) 95% ишонч интервали			
³ χ^2 Пирсон критерийси асосида			

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, бронхопулмонал касалликларнинг оғир кечишига нафақат асосий касаллик, балки ҳамроҳ патологиялар ҳам катта таъсир кўрсатади. Айниқса:

- ЮҚТ касалликлари гипоксияни кучайтиради
- Қандли диабет иммунитетни пасайтиради
- ОИК касалликлари нутритив ҳолатга таъсир қилади

Бу эса касалликнинг узоқ ва оғир кечишига олиб келади.

Хулоса: Ҳарбий хизматчиларда бронхопулмонал касалликлар 59,3% ҳолатда ҳамроҳ касалликлар билан кечади.

Энг аҳамиятли омиллар: Юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет

Ҳамроҳ касалликларни эрта аниқлаш касалликни самарали бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Амалий тавсиялар:

- Барча беморларда коморбид скрининг ўтказиш
- ҚД ва ЮҚТ касалликларини назорат қилиш
- Индивидуал даволаш стратегиясини қўллаш

Фойдаланилган адабиётлар

-
1. Жакбарова Мохида Абдукаххор кизи. Ҳарбий хизматчиларда бронхопулмонал тизими касалликларининг клиник хусусиятларини ўрганиш ва профилактика чораларини такомиллаштириш// tibbiyot fanlari bo'yicha falsafa (PhD) doktori dissertatsiyasi. O'zbekiston Respublikasi Harbiy xavfsizlik va Mudofaa universitetining harbiy tibbiyot instituti Toshkent – 2025.
 2. Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease (GOLD), 2023
 3. WHO. Chronic respiratory diseases report
 4. Ўзбекистон Республикаси ССВ клиник протоколлари